



Қадим туркий
замин минг йиллар
давомида Шарқ ва
Ғарбни туташтириб,
жаҳон цивилизация-
ларини бир-бирига
яқинлаштириб, дунё
маданиятларини
бойитиб келган.
Шавкат
МИРЗИЁЕВ.

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz



https://facebook.com/zarnews.uz



@zarnews_uz



https://twitter.com/zarnews_uz

ТУРКИЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯНИНГ ЯНГИ ДАВРИ: УМУМИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК САРИ

Самарқандда 10-11 ноябрь кунлари Туркий давлатлар ташкилотининг навбатдаги саммити ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан мазкур йиғилишда иштирок этиш учун Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров ва Венгрия Бош вазири Виктор Орбан, Туркманистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов юртимизга ташриф буюрди.

Шунингдек, Халқаро туркий маданият ташкилоти (ТУРКСОЙ), Туркий давлатлар парламент ассамблеяси (ТУРКПА), Халқаро туркий академия, Туркий маданият ва мерос жағғармаси, ушбу кўп томонлама тузилма Котибияти раҳбарлари ҳам Самарқандга келди.

11 ноябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев раислигида Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг "Туркий цивилизациянинг янги даври: умумий тараққиёт ва фаровонлик сари" мавзусидаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш кун тартибига мувофиқ, давлат раҳбарлари сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилдилар. Ҳамкорликнинг кучайтириш, туризм, энергетика ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Худудлар ўртасида фан ва таълим, технологиялар ва инновациялар борасидаги ҳамкорликнинг самарали механизмларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев ўз нутқида тинчлик ва дўстлик рамзи, фан ва маърифат маркази бўлиши Самарқанд шаҳрини "Туркий цивилизация пойтахти" деб эълон қилиш ташаббуси қўллаб-қувватлангани учун саммит иштирокчиларига миннатдорлик билдирди.

Қадим туркий замин минг йиллар давомида Шарқ ва Ғарбни туташтириб, жаҳон цивилизацияларини бир-бирига яқинлаштириб, дунё маданиятларини бойитиб келган. Биз Туркий дунё буюк тарихининг ёрқин саҳифалари улуг аждодларимиз томонидан биргаликда яратилгани билан ҳақли равишда фахрланамиз, - деди Ўзбекистон етакчиси.

Геосиёсий зиддиятлар, глобал иқтисодий инқироз ва иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари ортиб бораётган шароитда энг долзарб муаммолар ечими бўйича давлатларимиз умумий ёндашувларни белгилаб олиши, саъй-ҳаракатларни уйғунлаштириши нихоятда муҳимдир.

Шу муносабат билан Ўзбекистон ўз раислиги даврида "Туркий дунё нигоҳи - 2040" концепцияси ҳамда бугун қабул қилинаётган Туркий давлатлар ташкилотининг беш йиллик стратегиясини самарали амалга ошириш, 170 миллиондан ортқ аҳоли яшайдиган улкан минтақани ўз ичига олган Ташкилот нуфузини янада мустаҳкамлаш ва энг асосийси - тарихи, тили ва маданияти муштарак бўлган қардош халқларимиз ва давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни юксак поғонага олиб чиқиш ниятида.

Ўзбекистон раҳбари Ташкилот фаолиятининг чуқур таҳлили асосида туркий мамлакатларнинг улкан салоҳияти ва имкониятларини ишга солишга қаратил-



ган қатор ташаббусларни илгари сурди. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик асосларини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ экани қайд этилди.

Мамлакатларимизнинг ўзаро товар айланиши умумий ташқи савдомизнинг атиги 4 фоизини ташкил этади. Унинг қолгани эса учинчи давлатлар улусига тўғри келмоқда. Албатта, бундай ҳолат ҳеч биримизни қониқтирмайди, - дея таъкидлади Президентимиз.

Бу стратегик йўналишда вазиятни тубдан ўзгартириш, савдо, инвестиция ва хизматларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш учун Ташкилот доирасида "Янги иқтисодий имкониятлар ҳудуди"ни барпо этиш ташаббуси илгари сурилди.

Ушбу мақсадга эришиш учун давлатимиз раҳбари ҳар йили Халқаро туркий иқтисодий форумини ўтказишни тақлиф этди. Форум доирасида "давлат ва бизнес" форматда кўшма тадбирлар, тадбиркорлар учрашувлари ва давра суҳбатлари, инновацион лойиҳалар тақдимотлари ва кўргазмаларни ўтказиш катта амалий натижа беради. Ушбу тадбирлар якунлари бўйича кўшма дастур ва лойиҳаларни биргаликда амалга оширишга қаратилган йиллик "Йўл хариталари" қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Бу чоралар, энг аввало, ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш ва иқтисодий имкониятлар бозорларига биргаликда чиқиш, қўшилган қиймат улускузи занжирларини яратиш, юқори технологик кластерлар ва венчур ширкатларни ташкил этишга қаратилди.

Кун тартибидagi яна бир стратегик аҳамиятга эга бўлган долзарб масала - бу транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқликни кучайтириш.

- Биз Транскаспий халқаро коридори

ҳақида кўп гапиряпмиз, аммо сезиларли натижаларга эришиш учун анча ишлар қилишимиз керак, - деди Ўзбекистон Президентини.

Транспорт вазирлари асосий эътиборни минтақамиздаги транзит коридорларининг рақобатбардошлигини ошириш, бизнес учун энг мақбул тарифларни жорий этиш ва замонавий транспорт инфраструктурасини яратишга қаратган ҳолда йил охирига қадар кўшма ҳамкорликнинг аниқ режа ва самарали механизмларини ишлаб чиқиши тақлиф этилди.

Бу йил Тошкентда ўтказилган Биринчи Туркий агрофорум озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида нихоят катта салоҳият борлигини яққол кўрсатгани таъкидланди.

Ташкилотимизнинг нафақат ўз мамлакатларимизни, балки ташқи бозорларни ҳам қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти бор, - деди Ўзбекистон раҳбари.

Шу мақсадда озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беришни самарали тизимини яратиш бўйича Ташкилот доирасида кўп томонлама битим қабул қилиш, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти билан кенг ҳамкорлиги шериклиги ўрнатилиши, Туркий агрофорумини мунтазам ўтказиб бориш ва унинг иккинчи анжуманида "Ақлли" қишлоқ хўжалиги халқаро кўргазмасини ўтказиш лозим.

Президентимиз ёш авлодни ҳар томонлама рағбатлантириш, уларнинг истеъдод ва қобилиятларини рўбга чиқариш мақсадига бошлаган хайрли ишлар изчил давом эттирилишини таъкидлади.

Келгуси йили юртимизда Туркий дунё ёшларининг илм ва инновациялар халқаро конгрессини ўтказиш тақлиф этилди. Унинг доирасида Инновация ва Таълим

вазирлари, олийгоҳлар ректорлари ва ёш етакчилар, иқтидорли ўғил-қизларимиз, Ташкилотимиз оқсоқолларининг кенг қамровли учрашувларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Бу ишларимизга тизимли тус бериш ва натижадорликни таъминлаш мақсадида Ташкилот Бош котибининг Ёшлар масалалари бўйича ўринбосари лавозимини жорий этиш аниқ муддао бўлар эди, - дея тақлиф билдирди мамлакатимиз етакчиси.

Яна бир устувор йўналиш - минтақамизда хавфсизликни ишончли таъминлаш. Терроризм, экстремизм, ёшларнинг радикаллашуви, одам савдоси, наркотрафикка қарши курашиш, жамоат ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳаларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва махсус хизматларимиз доимий алоқада бўлиши ҳамда ҳамкорликни кучайтириш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Президентини Туркий давлатлар ташкилоти фаолиятини янги сифат босқичига кўтариш, унинг нуфузини янада ошириш ва ҳамкорлик салоҳиятини тўлиқ ишлатиш мақсадида бу тузилмада институционал ислохотлар ўтказишни тақлиф этди.

Устувор йўналишлар бўлган сиёсат ва хавфсизлик, савдо ва инвестиция, транспорт, қишлоқ хўжалиги, энергетика, ахборот технологиялари, туризм, инновация ва таълим, тиббиёт, ёшлар ва бошқа соҳалар бўйича вазирлар даражасида алоҳида кўмиталар тузиш тақлифи билдирилди.

Бундан ташқари, Котибиятнинг ўрни ва таъсирини ошириш учун келгуси саммитда унинг янги тузилмасини тасдиқлаш, давлат раҳбарлари томонидан қабул қилинаётган барча қарор ва ҳужжатларнинг қатъий назорат тизимини кучайтиришга ташкилотнинг Оқсоқоллар кенгаши янада жалб этиш бўйича ташаббуслар илгари сурилди.

Туркий дунёимизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихи, улуг аждодлари ва беқиёс бойликлари бор. Ва, мен ишонаман, туркий дунёни буюк келажак кутмоқда. Бу келажакни, ҳеч шубҳасиз, меҳнаткаш, бағрикенг ва олижаноб халқларимиз билан биргаликда яратамиз. Қўшма Самарқанд шаҳридаги саммитимиз эса туркий дунё цивилизациясининг замонавий тарихида янги юксалиш босқичини бошлаб беради, - деди Ўзбекистон Президентини сўзининг якунида.

Йиғилиш натижалари бўйича Ташки-

лот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган Туркий давлатлар ташкилоти саммитининг Самарқанд декларацияси қабул қилинди.

Туркий давлатлар ташкилоти Бош котиби лавозимига Кубанчибек Омуралiev номзоди тасдиқланди.

Шавкат Мирзиёев тақлифига кўра, 2023 йил Ташкилот доирасида Туркий цивилизациянинг юксалиш йили, деб номланди.

Туркия Республикасининг Туркий давлатлар ташкилоти фаолиятини янги йилдаги раислиги якунига етди ва бу вазифа Ўзбекистон Республикасига ўтди.

Қозоғистон томонининг тақлифига кўра, Ташкилотнинг навбатдаги саммити 2023 йилда Қозоғистонда ўтказилади.

Туркий давлатлар ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашининг йиғилиши якунланган, меҳмонларга юксак муқофотларни топшириш маросими бўлди.

Туркий давлатлар ташкилоти давлат раҳбарлари кенгаши раисининг тақлифига кўра, 2023 йил Ташкилот доирасида Туркий цивилизациянинг юксалиш йили, деб номланди.

Туркия Республикасининг Туркий давлатлар ташкилоти фаолиятини янги йилдаги раислиги якунига етди ва бу вазифа Ўзбекистон Республикасига ўтди.

Қозоғистон томонининг тақлифига кўра, Ташкилотнинг навбатдаги саммити 2023 йилда Қозоғистонда ўтказилади.

Туркий давлатлар ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашининг йиғилиши якунланган, меҳмонларга юксак муқофотларни топшириш маросими бўлди.

13 ноябрь - Тиббиёт ходимлари кунини

Саломатлик учун инвестиция

Тиббиёт мудом янгилашга, ислохотларга муҳтож. Олимларнинг изланишлари туфайли йилдан-йилга диагностика ривожланиб, муолажаларнинг янги усуллари топилаётган. Мамлакатимизда ҳам бу соҳа ривожланиб бормоқда. Кейинги йиллардаги ўзгариш, янгилашлар туфайли аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва даражаси ошди.

287 НАФАР БЕМОРДА БЕПУЛ ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИК ЖАРРОХЛИК АМАЛИЁТЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ

Бундан бир неча йил аввал баъзи жаррохлик амалиётлари учун самарқандликлар пойтахтимиз ёки чет элга боришга мажбур бўларди. Маблагини йўқ фуқароларнинг бу масалада қанчалик қийинчиликларга дуч келганини тасаввур қилиш қийин эмас.

(Давоми 2-саҳифада).



Қозоғистон капиталида 18 та корхона ташкил этилган

Вилоятимизда Қозоғистон компанияларининг капитали иштирокида 18 та корхона фаолият юритмоқда. Жумладан, Қўшрабт туманида пойабзал, Паст Дарғом туманида нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш, Оқдарё туманида мева-сабзавотни қайта ишлаш ва Самарқанд шаҳрида савдо хизмати кўрсатувчи корхоналар фаолият юритмоқда.

Жорий йилнинг январь-октябрь ойларида Қозоғистон билан товар айланиши 365,3 миллион долларни ташкил этди.



Саломатлик учун инвестиция

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Бу йил вилоятда юқори технологик жарроҳлик амалиётига муҳтож 4150 нафар бемор даволаниши таъминланди. Маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағлар эвазига 287 нафар беморда бепул тарзда эндопротезлаш, кардиохирургик жарроҳлик амалиётлари ўтказилди. Бу кичкина рақамлар эмас.

Шу йилнинг тўққиз ойи давомида 71 нафар мутахассисимиз Россия Федерацияси, Беларусь, Германия, Хорватия, Туркия, Япония, Корея, БАА, Ҳиндистон давлатларида малака оширди.

25 та етакчи клиника мутахассислар билан телемедицина орқали мулоқотлар амалга оширди.

ЎРТТА ТУМАНДА ШОШИЛИНЧ ЁРДАМ МАРКАЗЛАРИ ИШГА ТУШДИ

Вилоятда Республика шошилинич тиббий ёрдам маркази Самарқанд филиали ташкил этилди. Тез тиббий ёрдам хизматининг ягона вертикал тизими йўлга қўйилди. Булунғур, Иштихон, Ургут ва Пахтачида туманлараро қўшма шикастланиш марказлари ишга туширилди. Шу пайтгача туманларда содир бўлган автоҳалокат ёки бошқа бахтсиз ҳодисалар тўғрисида жароҳат олган беморга илк сифатли тиббий ёрдам кўрсатилиши учун у Самарқанд шаҳрига келтирилиши лозим эди. Бирорта туманда замонавий МРТ аппарати йўқ эди. Эндилда юқорида номлари келтирилган туманларда Республика шошилинич тиббий ёрдам маркази Самарқанд филиалидаги сингари шароит яратилди ва беморларга шошилинич ёрдам кўрсатиш имкони туғилди.

Ягона "Call-марказ" фаолияти йўлга қўйилди. Туман ва шаҳарлардаги тез тиббий ёрдам бўлимлари билан ягона локал тармоқ яратилди. Бир пайтлар, дейлик, Жомбойнинг чекка, Булунғур тумани билан чегарадош қишлоғидан чақирув бўлса, албатта, Жомбой туман тез тиббий ёрдам бўлими ходимлари келиши лозим эди. Эндилда қайси туман бўлишидан қатъи назар, яқинроқ ҳудуддаги тез тиббий ёрдам бригадаси шошилинич ёрдам кўрсатади.

Шунингдек, тез тиббий ёрдам хизмати 30 та замонавий автотранспорт воситаси билан таъминланди.

МАҚСАДЛИ СКРИНИНГ

Беморларни даволаш билан бир қаторда касалликларнинг олдини олиш, профилактикасига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Профилактик тадбирлар



илгаригидай, тарғибот учун эмас, амалий ишлар билан ўтмоқда. Яъни, хонадон-хонадон юриш тартибидан аниқланган, энг кўп қайд этилган касалликларнинг олдини олиш борасида тегишли мутасаддиларнинг скрининг текширувлари ўтказилди. Жумладан, диабетик, юрак-қон томир касалликларини эрта аниқлаш бўйича скрининг тадбирларида 861 минг нафар аҳоли қамраб олинди.

Аёллар саратони касалликларини эрта аниқлаш бўйича скрининг тадбирларида 379 минг нафар аҳоли жалб қилинди.

Йил якунигача яна 80 минг нафар аҳоли қамраб олинади.

Бирламчи тиббий муассасалари 120 турдаги дори-дармон воситалари билан таъминланди. Олис ва чекка ҳудудларда аҳолини мақсадли скрининг текширувларидан ўтказиш мақсадида 2 та "Исуз" автобуси зарур тиббий ускуналар билан жиҳозланиб, мобил поликлиника ташкил этилди.

КАТТАҚЎРҒОНДА ПЕРИНАТАЛ МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Бугунги кунда вилоятда бир миллион нафардан зиёд туғиш ёшдаги аёлларга 19 та туғруқ муассасаси хизмат кўрсатмоқда.

Жорий йилда Ургут, Пайариқ, Паст Дарғом ва Каттақўрғонда туманлараро перинатал марказлари ташкил қилиш режалаштирилган эди. Ҳозирда Каттақўрғон шаҳрида туманлараро перинатал маркази тўлиқ жиҳозланиб, фаолияти йўлга қўйилди. Самарқанд давлат тиббий университети акушерлик-гинекология кафедраси профессор-ўқитувчилари жойига бориб, марказ ходимларининг малакасини оширмоқда.

Вилоят перинатал маркази, туманлараро перинатал марказлари ва 3-туғруқ мажмуаларида учта кислород станцияси ўрнатилди.

Вилоят болалар кўп тармоқли тиббий марказида чақалоқлар неонатал хирургия ва кардиохирургия бўлимлари таш-

кил қилинди. Бугунги кунга қадар ушбу бўлимларда 400 нафардан зиёд чақалоқда юқори-технологик жарроҳлик амалиётлари ўтказилди. Шунингдек, ушбу марказда болалар гемодиализ бўлими ташкил қилиниб, вилоятлараро бемор болаларга гемодиализ хизмати кўрсатилиши йўлга қўйилди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижасида вилоятда кейинги беш йил давомида оналар ва гўдақлар ўлими кескин қайтади.

КОРАСУВ МАССИВИДА ТУҒРУК МАЖМУАСИ ИШГА ТУШИРИЛАДИ

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган бу каби ишлар 2023 йилда ҳам давом этади. Уларнинг баъзиларига тўхталиб ўтсам. Жумладан, 12 та оилавий шифокорлик пункти, оилавий поли-клиника очилди ва 135 минг аҳолига бирламчи тиббий хизмат яқинлаштирилди.

Каттақўрғон шаҳрида туманлараро қўшма шикастланиш маркази ишга туширилади. 7 та туман лапароскоп ускунаси билан таъминланади.

Вилоят кўп тармоқли тиббий марказида битта иммуногенетик лаборатория ташкил этилади. Самарқанд шаҳар Қорасув массивида туғруқ мажмуаси ишга туширилади.

Соҳадаги барча ишлар, инсон кадрини улуғлаш, бебаҳо неъмат - саломатлигимизни асраш, тиббий хизмат самарадорлигини ошириш каби муҳим масалалар шундай изчиллик билан давом эттирилади. Одамлар орасида "соғлиқдан тежалмайди", деган гап бор. Яъни, соғлом бўлиш йўлидаги сарф-харажатдан тежаб бўлмайди. Шу фикрни давлатимизга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Бугун мамлакатимизда аҳоли саломатлиги химояси йўлида маблағ тежалмапти, аксинча, бор имкониятлар ишга солинмоқда.

Давронбек ЖУМАНИЕЗОВ,
вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи.

"Беморлар дарди билан яшаймиз"

Самарқанд давлат тиббий университети кўп тармоқли клиника олий ўқув-илмий ва даволаш маркази бўлиб, унда 13 та даволаш, 16 та ёрдамчи даволаш-диагностика бўлими ҳамда улар негизда 17 та кафедра фаолият олиб бормоқда. Шу кунларда меҳнат қилётган 150 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчи педагогик фаолият билан бир қаторда даволаш-консултатив амалиётни ҳам бажаряпти.

Республика даражасидаги мазкур шифохона ҳамда унинг кўп сонли жамоасига профессор Наргиза Абдуллаева раҳбарлик қилмоқда. Соҳадаги "юриш"ни Самарқанд давлат тиббий институти талабалигидан бошлаган Наргиза опа ўтган вақтда олийгоҳнинг кафедра клиник ординатори, ассистенти, доценти, факультет декани лавозимларида ишлаган. Жараёнда тўпланган билим ва

катта тажриба унинг бугунги фаолиятида ўз самараларини кўрсатмоқда.


- Хар йили клиникамизга 19 минг нафарга яқин бемор муружоат қилади, - дейди Н.Абдуллаева. - Уларнинг аксарияти Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах, Сурхондарё ва Навоий вилоятидан. Кейинги беш йилда қўшни Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикаларидан шифо излаб келувчилар сони ортди. Бу ерда йилга ўртача 6 мингта турли мураккаб операцияларни амалга оширамыз. Уларнинг 40 фоизи юқори технологик операция ҳисобланади.

Наргиза Абдуллаева раҳбарлигида шифохонада оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласига эътибор ортди. Хусусан, туғруқ мажмуасидаги акушерлик ва ҳомилдорлар патологияси бўлимларининг моддий-техник базаси яхшиланиб, чақалоқлар интензив палатаси сунъий нафас бериш ускуна-

лари, мuddатидан олдин туғилган чақалоқлар учун инкубаторлар, кувез, пульсоксиметр ва бошқа махсус ускуналар билан жиҳозланди, ҳомилдорларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш учун барча шароитлар яратилди. Бу комплексда йилга ўртача 3500 нафарга яқин туғруқ қабул қилинмоқда.

- Ҳаётимни касбимсиз тасаввур қилолмайман, - дейди Наргиза опа. - Хар кунни эрта туриб, ишга ошиқман, кўз олдимга мени ва жамоамни интиқ бўлиб кутиб турган беморлар келади. Хар бир сақлаб қолинган ҳаёт, тикланган саломатлик биз учун катта галаба ҳисобланади. Шу сабабли шифохонадаги барча ҳамкасбларим бор куч ва гайратини мажасас фаолиятини такомиллаштириш, аҳолига жаҳон талаблари даражасида тиббий хизмат кўрсатишга сафарбар этган.

А.БАРОТОВ.



Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббий маркази Самарқанд филиали аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

260 стационар ўринга мўлжалланган тиббий масканида 300 нафардан ортиқ малакали тиббий ходим меҳнат қилади.

- Масканида бўғимларни эндопротезлаш, артроскопик усулда даволаш, узун ва калта найсимон суяклар синикларини блокловичи интрамедулар остеоинтез усулида даволаш ишлари амалга оширилади, - дейди филиал директори Ойбек Маматқулов. - Шунингдек, бош мия жароҳатлари ва суяк дефектларини замонавий 3D имплантлар ёрдамида пластика қилиш, юз-жағ соҳаси пластик ҳамда стоматологик жарроҳлик амалиётларини бажариш йўлга қўйилган.

Хар йили 11 минг бемор стационар усулда даволанади, амбулатор поликлиникада 100 минг киши шифо топади.

Филиалда йилга 1200 та артроскопик жарроҳлик, 350 дан 500 гача эндопротезлаш, 2500 та БИОС, 50 та сколиоз амалиётлари ўтказилади.

Бугунгача депутатлар сўрови асосида 50 нафар, тиббий суғурта бўйича 27 нафар ва вилоят ҳокимлиги ҳоимийлигида 40 нафар бемор учун имтиёзли жарроҳлик амалиётлари ўтказилди.

Бахтиёр МУСТАНОВ.

+95+95+95
НИМА?

Бутун дунёда ОИВ инфекцияси - одамнинг иммунитет танқислиги вируси кўламнинг ортиб бориши, касалликнинг олдини оладиган вакцинанинг ва организмдан вирусни бутунлай чиқариб юборадиган дори-лар ишлаб чиқаришнинг имкони топилмаганлиги сабабли мазкур касалликни инсониятнинг бутун дунё миқёсидаги энг долзарб муаммолари қаторига киритилишига асос бўлади.



Маълумотларга кўра, дунёда 38,4 миллиондан ортиқ одам (1,7-2 миллион болалар) ОИВ инфекцияси билан яшамоқда. 2021 йилда кўпчилик ОИВ аниқланганлар 1,5-2 миллион кишини, вафот этганлар 600 минг нафарни ташкил этган. МДХ давлатлари орасида ОИВ тарқалишининг энг юқори даражаси Россия ва Украинада кузатиламоқда. Барча мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам касаллик ОИВ юқиши юқори бўлган хавфли гуруҳлар, гиёҳванд моддаларни томир орқали қабул қилувчилар, рағбатлантириш эвазига интим алоқа қилувчи аёллар, қамалганлар ва мигрантлар орасида кўпроқ учрамоқда. Ўзбекистонда ОИВ инфекциясининг тарқалиш жараёнида аёлларнинг улуши ортиб бораётганлиги, шунингдек, кейинги йилларда касалликнинг жинсий алоқа йўли билан тарқалишининг ортиси эпидемия вазиятга ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Вазиятнинг ўзгарганлигини ҳисобга олган ҳолда республикамизда қатор қарор ва дастурлар ишлаб чиқилиб, тегишли чора-тадбирлар олиб бориламоқда.

Бугунги кунда Республикаимизда "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида"ги Қонун амалда. Қонунда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишга доир аниқ чора-тадбирлар мустаҳкамланган бўлиб, уни юқтириб олганлар ва хавф гуруҳида бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш ва шифохона ичи инфекцияларини профилактика қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг "2030 йилга бориб ОИВ эпидемиясига барҳам бериш" бўйича +90+90+90 стратегияси амалиётга жорий этилди.

ЮНЕЙДС (БМТнинг ортирилган иммун инфекцияси касаллиги бўйича қўшма дастури) ташкилотининг ташаббусига кўра, ушбу стратегия +95+95+95 сифатида татбиқ этилганда кутилган натижани беради. Биринчидан, 95 фоиз ОИВ инфекцияли шахслар ўз мақомини билишлари, иккинчидан, шунча ОИВ инфекцияли шахслар махсус даволаш билан қамраб олинishi керак. Дастурдан кўзланган мақсад ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши профилактик чора-тадбирларни кучайтириш, инфекциянинг онадан болага ўтишининг олдини олиш ва беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатиши йўлга қўйишдан иборат.

Ф.САТТОВА,
вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази эпидемиологик мониторинг бўлими бошлиғи.

Қишлоқдаги шифокорнинг орзу ва армонлари

13 ёшимда отам оламдан ўтди. Онам 6 фарзанд билан ёлғиз қолди. Мен оилада тўнғич фарзанд бўлганим учун онамга рўзгор тебратишда, уй ишларида қўмаклашгим келарди. Онам эса буни истамасди. У менинг фақат ўқиш билан шуғулланишимни, шифокор бўлишимни, шифокор бўлгандаям ҳалол, меҳнатсевар, маҳоратли, касбга садоқатли бўлишимни хоҳларди. Ўқишга кириб, битирганимча ҳеч нарсага чалғимаслигимни, етук мутахассис бўлишим зарурлигини, оқ либос кийганимни кўрсат, армони қолмаслигини қайта-қайта такрорларди.

Мақтабни тамомлаб, онам орзу қилгандек, шифокор бўлиш истагида олий ўқув юртига ҳужжат топширдим. Аммо имтиҳондан ўтолмадим. Билимим етарлимаслигини сезгандим.

Кейин бир йил Самарқанд шаҳрида тайёргарлик кўрдим. Яна натижа бўлмади.

Уша кезларда Каттақўрғон туманининг олис Жизмонсой қишлоғида на-

фақат Самарқанд, балки Навоий вилоятида ҳам таниқли бўлган кимё-биология ўқитувчиси Пирмамат Мирзаев борлигидан хабар топдим. Абитуриентлар вилоят марказига ёки пойтахтга интилса, мен эса шу қишлоқда ўқишга тайёргарлик кўришни мақсад қилдим.

Афсуски, бу урғини ҳам бесамар кетди. Билимим бор эди, аммо пул йўқ эди. Пули борлар ўқишга кириши қийин бўлмаган давр эди ўшанда. Кўз олдимда "шпаргалка", телефон ва босқа турли воситалар орқали тест саволларига қийналмасдан жавоб топаётган тенгдошларимни кўрганман. Алам қилган. Тўлов шартнома асосида ўқиш имконияти бор эди, аммо онамга қўшимча юк бўлиши истамасдим. Бу пайтларда 6 нафар болани катта қиламан, деб онам ҳам саломатлигини йўқота бошлаган эди.

Шифокор бўлишимни ўзимдан ҳам кўпроқ онам хоҳларди. Шу истакни сўндирмаган ҳолда Жизмонсойга қайтдим. Яна бир йил давомида шу қишлоқда ўқишга тайёргарлик кўрдим, устоз Пирмамат Мирзаевнинг дарс ўтиши менга маъқул эди. Ниҳоят, тўртинчи уринишда Тошкент педиатрия тиббий институтига грант асосида ўқишга қабул қилиндим.

7 йил давомида олий таълим муассасасида ҳеч нарсага чалғимасдан таълим олдим. Ўқишни тугатиб, институтимиз клиникасига ишга кирдим. Бу ерда олий ўқув юртида олган билим ва кўникмаларимни мустаҳкамлаб бошладим.

Онамнинг орзуси амалга ошди. Оқ либос кийганимни кўрди-ю, бу оламнинг тарқ эди. Онамнинг армони қолмагандир, аммо шифокор бўлиб, унинг дардига дармон бўлолмаганим мен учун армон бўлиб қолди.

Ҳаёт давом этаркан, ука-сингилларимга бош бўлиш менинг вазифам эди. Уларни ҳам олий маълумотли қилишга ҳаракат қилдим. 2020 йилда ўзим тўғилиб ўсган Хатирчи туманига қайтдим. Туман марказий шифохонасида бир йилча фаолият олиб бордим.

Шундан сўнг Президент қарори билан "Олис ва чекка ҳудудларни тиббий хизматлари билан таъминлаш дастури" ишлаб чиқилди. Бу менинг кўнглимдаги гап эди. Сабаби, ўқишга тайёргарлик кўриш жараёнида Каттақўрғон туманининг олис Жизмонсой маҳалласи аҳолисининг оддий касалликларга ҳам даво тополмай қийналганига гувоҳ бўлганман. Биргина тиббий кўриқдан ўтиш учун 40-50 километр масофа босиб, туман марказига боришга мажбур бўлишарди. Аввало, шу сабаб, қолаверса, икки йил давомида мазкур қишлоқда еган нон-тузимни оқлаш учун ҳам Жизмонсой оилавий шифокорлик пунктида ишимни давом эттиришга қарор қилдим.

Бу ерда ойлик маошдан ташқари бир марталик 30 миллион сўм маблағ берилди, шунингдек, хар ойда 500 минг сўмдан йўл қира ҳақи тўланапти. 2 миллион сўм қўшимча устама берилмади бўлди.

Пунктимизнинг хизмат кўрсатиш

радиуси 28 километр. Тоғлар орасида жойлашган Тоғчиноқ қишлоғи маҳалла марказидан 18 километр узоқликда. Зарур чақирувлар бўлганда, айниқса, қор-қировли кунларда бу қишлоққа бориб келиш жуда мушкул. Асосан мотоцикл ёки отда борилади.

Аҳолини ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтказиб туриш яхши самара беради. Бундан бир ярим йил илгари ўтказилган кўрик натижасида аҳоли орасида 1026 нафар сурункали касаллиги бор беморлар аниқланган эди. Бугунги кунга келиб, бу кўрсаткич 476 тага тушган. Қолганларини ҳам даволаб, барчасини буткул соғломлар сафига қўйишни ният қилганмиз.

Ўзига яраша муаммолар, қийинчиликлар бор, аммо бу ерга келиб ишлаётганимдан афсусланмайман. Асосийси, олис ҳудуд аҳолисини рози қилиш. Қишлоқ одамлари жуда самимий. Улар билан қадрдонимиз. Турмуш ўртоғим ва икки фарзандим билан бу қишлоққа келганимизда бизни кутиб олишидан уларнинг меҳмондўстлиги сезилиб турарди. Мана, бир йил ичиде оғанини, қариндошдек бўлиб қолдим.

Биз зўр мутахассис бўлганимиз билан тиббий пунктада етарли шароит бўлмаса, бари бекор. Пунктимиз 4200 нафар аҳолига хизмат қилади. Бу ерда кўплаб имкониятлар яратилган. 127 киши дори-дармон билан таъминланган. Тез тиббий ёрдам шохобчаси ишлаб турибди.

Шартномада белгиланган мuddатда, яъни 3 йил давомида шу маҳалла аҳлига қўлимдан келганча хизмат кўрсатишни мақсад қилганман. Кейин эса яна пойтахтга бориб, иккинчи мутахассислик бўйича таълим олоқчиман. Диагностика соҳасини муккамал ўрганиб, шу бўйича изланишлар олиб бораман.

Анвар РАЖАБОВ.



Паст Дарғом тумани тиббиёт бирлашмаси

ЖАМОАСИ

барча ҳамкасбларини

ТИББИЁТ

ХОДИМЛАРИ КУНИ

билан табриклайди.

Инсон саломатлиги учун масъул бўлган соҳа ходимларининг келгуси фаолиятларида муваффақият тилайди.

Сувдан оқилона фойдаланишнинг замонавий тизимлари жорий этилмоқда

Мамлакатимизда сув хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, сув хўжалигини модернизация қилиш ва ривожлантириш, сув ресурсларини бошқариш, ундан тежамкорлик билан фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида янги ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, "БАТ Ўзбекистон" компаниясида ҳам келгусида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича улкан экологик мақсадлар белгиланган.

Сув ресурслари тақчиллиги сезилаётган ҳудудда жойлашган Ўзбекистонда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш жуда муҳим. Шунинг учун компаниямиз сув истеъмолида сифат жиҳатидан янги стандартларни жорий этиш устида иш олиб бормоқда.

2020-2022 йилларда ишлаб чиқариш майдонларимиз Самарқанд шаҳридаги фабрика ва Ургут ферментация заводида сув истеъмоли



ва сарфини камайтириш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Яъни, ошхона, чойхона, ювиниш хоналари ва ҳожатхоналарда замонавий автоматик сув таъминоти тизимлари ўрнатилди. Сув сизиб чиқиши мумкин бўлган қувурлар тизими бўйлаб профилактик ишлар амалга оширилди.

Ишлаб чиқариш майдончаларида сув истеъмолини камайтириш учун марказлаштирилган электрон сув ҳисоблагичлар ўрнатилган.

Шунингдек, жорий йил компания корхоналарида "Alliance for Water Stewardship" (AWS) - сув истеъмоли бўйича Альянс халқаро стандартини

жорий этиш бўйича ишланмоқда. Ушбу стандарт нафақат корхоналарни, балки аҳолининг барча қатламлари учун сувдан оқилона фойдаланишни таъминлашга хизмат қилади. Бу халқаро стандартни жорий этиш мақсадида Самарқанд шаҳри Фарход кўргони ва Ургут шаҳридаги фабрикамизга ёндош маҳаллалар аҳолиси, корхона ва ташкилотлар вакиллари билан сувдан фойдаланиш, сув таъминоти ва каналлизация тизимларининг ҳолати бўйича масалалар келишиб олинди. Учрашувларда Экология қўмитаси, вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси ҳамда Ургут тумани бўлими вакиллари, сув хўжалиги ходимлари иштирок этишди.

Яқинда Самарқанд шаҳридаги фабрика ва Ургут ферментация заводимизга сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги тажрибаларимизни ўрганиш ва сертифицирлаш учун "Alliance for Water Stewardship" халқаро аудиторларининг (Буюк Британия) таширифи режалаштирилган.

"БАТ Ўзбекистон" компанияси ахборот хизмати.



Баҳром МАҲМУДОВ

Вилоятимиз илм-фани оғир жудоликка учради. Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетидеги хизмат кўрсатган профессор, физика-математика фанлари доктори Маҳмудов Баҳром Маҳмудович саксон олти ёшида вафот этди.

1936 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган Б.Маҳмудов ўрта мактабни битиргач, СамДУда тахсил олди. 1970 йилда Москва давлат университетининг аспирантурасини ўтади. Домла Самарқанд давлат университетидеги 1986-2012 йилларда коинот физикаси ва астрофизика, кейинчалик астрономия кафедралари мудирини лавозимида узоқ йиллар ишлаб, бутун ҳаётини ёшлар тарбияси, илм-фан ривожига бағишлади.

Б.Маҳмудов коинот физикаси ва астрофизика соҳаси бўйича Россия илмий марказлари билан ҳамкорликда олиб борган илмий-тадқиқот ишлари асосида Самарқанд коинот физикаси ва астрофизика илмий мактабининг яратди. Мирзо Улугбекнинг ишларини давом эттириш ва унинг илмий меросини халқаро миқёсда ўрганиш ишларига бош-қош бўлди. У академик С.Н.Вернов илмий раҳбарлигида Ер сунъий йўлдошлари ва космик кемаларда ўтказилган тажрибаларда қатнашди ҳамда "Космос-228 Ер сунъий йўлдошида космик нурлар тадқиқоти" мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган биринчи ўзбек олими эди.

Профессор Б.Маҳмудов раҳбарлигида халқаро илмий кузатув станциялари таркибига кирган "ШАЛ" ва "Нейтрон супермонитори" илмий қурилмалари ташкил этилиб, ишга туширилди. Бу қурилмалардан олинган илмий натижалар халқаро миқёсда тан олинди ва фан-техника ютуқлари кўрғазмасининг олтин медалига сазовор бўлди.



Устоз ташаббуси билан Самарқандда 5 мартда коинот физикасига бағишланган халқаро анжуманлар ўтказилди. Уларда дунёдан юзлаб олимлари ва мутахассислари қатнашди. Олинган илмий-тадқиқот натижалари асосида домла 1987 йилда Ереван физика-техника институтини муваффақиятли хилом қилди.

Коинот физикаси ва астрофизика халқаро илмий кенгаши аъзоси Б.Маҳмудов асос солган илмий мактабнинг ўнлаб тарбияланувчилари бугун мамлакатимиз илм-фани тараққиёти учун меҳнат қилмоқда.

Домла маҳаллада ва оилада ҳам жонқуяр инсон эди. Турмуш диссертациясини ёқлаган биринчи ўзбек олими эди.

СамДУда хизмат кўрсатган профессор Баҳром Маҳмудовнинг порлоқ хотираси яқинлари, ҳамкасблари ва шогирдлари қалбидеги мангу яшайди.

ШАРОФ РАШИДОВ
НОМИДАГИ САМАРҚАНД
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЖАМОАСИ.

"SAMARQANDDONMAHSULOTLARI"

акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

"Samarqanddonmahsulotlari" акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2022 йил 7 декабрь кунини соат 10:00 да Самарқанд шаҳри Зийкорлар кўчаси, 4-уй манзилида жойлашган жамият мажлислар залида ўтказилишини маълум қилади.

ЙИГИЛИШ КҮН ТАРТИБИДА:

1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш тўғрисида;
2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши саноқ комиссияси сони ва шахсий таркибини сайлаш тўғрисида;
3. Жамиятнинг 2022 йил 9 ой якуни бўйича ҳисобланган соф фойдасидан акциядорларга дивиденд ажратиш тўғрисида.

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхатини тузиш ҳамда йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабарнома олиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрини шакллантириш санаси 2022 йил 1 декабрь кунига ва умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрини шакллантириш санаси 2022 йил 16 ноябрь кунига белгиланди.

ДАВВОЛАР БЎЛСА...

Пайриқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Пардаев Нemat Амановичга (2022 йил 4 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайриқ тумани Челек шаҳарчаси, Истиклол кўчаси, 73-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Умаров Акрам Садиқовичга (2021 йил 20 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал

га белгиланди.

Акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилишида кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан "Samarqanddonmahsulotlari" АЖ да ушбу хабар эълон қилинган кундан бошлаб йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар соат 8:00 дан 10:00 гача танишишингиз мумкин.

Мурожаат учун телефонлар:

+99866-239-55-04.

Жамиятнинг расмий веб-сайти:

www.samdon.uz

Электрон почта манзили:

samarqanddon@gmail.uz

Хурматли акциядорлар! Жамият акциядорлари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги ахборот ва бошқа маълумотларни жамият акциядорларига сифатли ва тезкор равишда етказилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, электрон почта орқали амалга оширилишини инобатга олиб, сиздан электрон почта манзилингизни (Email) тақдим этишингиз лозимлигини маълум қиламиз.

ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улугбек кўчаси, 80-уй.

Тойлоқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳасанов Аловиддин Гиёсиддин ўғли нотариал идорасида марҳум Нуралли Раҳмоновичга (2020 йил 22 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳасанов Аловиддин Гиёсиддин ўғли нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Тойлоқ тумани Тойлоқ шаҳарчаси.

Ургут туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Қоракўзов Абдуазиз Муҳитдинович нотариал идорасида марҳум Худо

"JUMA ELEVATORI"

акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

Паст Дарғом туманидаги "Juma elevatori" акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2022 йил 7 декабрь кунини соат 14:00 да Паст Дарғом тумани Жума шаҳри Фитрат кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган жамият мажлислар залида ўтказилишини маълум қилади.

ЙИГИЛИШ КҮН ТАРТИБИДА:

1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш тўғрисида;
2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши саноқ комиссияси сони ва шахсий таркибини сайлаш тўғрисида;
3. Жамиятнинг 2022 йил 9 ой якуни бўйича ҳисобланган соф фойдасидан акциядорларга дивиденд ажратиш тўғрисида.

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхатини тузиш ҳамда йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабарнома олиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрини шакллантириш санаси 2022 йил 1 декабрь кунига ва умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрини шакллантириш санаси 2022 йил 16 ноябрь кунига белгиланди.

ёров Абдуғанига (2020 йил 19 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қоракўзов Абдуазиз Муҳитдинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Ургут тумани Почвон маҳалласи.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазратқулов Маҳмуд Муминқулович нотариал идорасида марҳум Урунова Фарида Ашуровнага (2020 йил 28 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқулов Маҳмуд Муминқулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.

га белгиланди.

Акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилишида кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан "Juma elevatori" АЖ да ушбу хабар эълон қилинган кундан бошлаб йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар соат 8:00 дан 10:00 гача танишишингиз мумкин.

Мурожаат учун телефонлар:

+99866-465-15-27.

Жамиятнинг расмий веб-сайти:

www.jumaelevatori.uz

Электрон почта манзили:

jumadon@gmail.uz

Хурматли акциядорлар! Жамият акциядорлари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги ахборот ва бошқа маълумотларни жамият акциядорларига сифатли ва тезкор равишда етказилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, электрон почта орқали амалга оширилишини инобатга олиб, сиздан электрон почта манзилингизни (Email) тақдим этишингиз лозимлигини маълум қиламиз.

ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ
Амондуллоев Хусрав Давлатбоевич яқка тартибдаги тадбиркорининг (СТИР: 572494499) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Сотувчи Қосимов Шокиржон Шавкатович ва сотиб олувчи Бурханова Фароғат Сергеевналар ўртасида 2006 йил 5 декабрда Самарқанд шаҳри Сугдиёна масканида жойлашган савдо дўкони (умумий майдони 441,6 м.кв., фойдали майдони 363,42 м.кв.) учун тузилган, Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри рўйхатдан ўтказиш офисидан тасдиқланган олди-сотди шартномасининг сотиб олувчидаги нусхаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

► Очигини айтганда

Таълимда кадрларни саралаш механизми деярли ишламайди

1974 йилдан буён халқ таълими соҳасида ишлаб келяпман. Мактаб кутубхоначилигидан директорликкача бўлган йўлни боис ўтдим. Агар 1964 йилда биринчи синфга борганимни қўшиб ҳисобласак, қарийб 60 йилдан буён мактаб бағридаман. Шу боис соҳанинг иқир-чиқирларидан яхшигина хабардорман. Бугун мамлакатимиз халқ таълими тизимини такомиллаштириш борасида қизгин баҳс-мунозаралар кетаяпти. Оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали куйинчак инсонлар ўз мулоҳазаларини билдираётгани кишини қувонтиради.

Ўзбекистон халқ таълими тизими чуқур ислохотларга муҳтож эканлиги ойдинлашмоқда. Назаримда тизимдаги энг долзарб муаммо педагог кадрлар малакаси ва маҳорати масаласи. Узоқ йиллар давомида педагог ходимларга кам иш ҳақи тўлаб келингани уларнинг билим ва малакаси сифатининг ёмонлашувига олиб келди. Нуфузли университетлар ва бошқа обуғли таълим даргоҳларига киришни эпломлайдиган битирувчиларнинг аксарияти дипломи бўлиш илжинида педагогика олий таълим муассасаларида ўқиш бошлади. Шўро даврида савдо, молия, иқтисодиёт, ҳуқуқшунослик, тиббиёт, қишлоқ ҳўжалиги сингари соҳаларга кадрлар тайёрлаб берувчи олий таълим муассасаларига асосан пулдор ва амалдорларнинг фарзандлари борар, педагогика эса нисбатан камбағал оилаликлар болалари ўқирди.

Муастакилликдан кейин жорий этилган тест-синов қабул тартибидан сўнг иқтидорли, истеъодли битирувчиларни нуфузли ОТМлар охирабодек ўзига тортиди. Натижанда педагогика йўналишидаги олий ўқув юртларида ўрта миёна талабалар тўпланиб қолди. Мана, йиллар ўтиб, улар зиммасига ёш авлодни тарбиялашдек масъулиятни вазифа юкланди. Кўришиб турибдики, улар бу оғир юкни тортишга ожизлик қилишмоқда. Оқибатда муаллим-устознинг юксак образи кундан кунга ерларчин бўлмоқда. Кунда бўлмаса, кўнара ўқитувчиларнинг калтакланаётгани, камситилаётгани ҳақидаги хабарлар тарқалмоқда.

Бунда фақат ота-оналар ва ака-опалар ёки ўқитувчиларни бир томонлама қоралаш фикридан йироқман. Директорлик даврида олий таълим муассасаларини битириб келган мутахассисларни ақлим этганича синовдан ўтказиб, ишга қабул қилиш одатим бор эди. Ўша йилларда от билан олмошнинг фарқи бормайдиган тилчилар, коптокнинг ҳажминини ўлчаб беролмаган математиклар, таржимани ҳолини ёзиб беришнинг урдасидан чиқолмаган рус тили ўқитувчилари, транзитдор нима эканлигини билмаган физиклар, фаслар алмашинуви сабабини тушунмайдиган географлар, 60 сўзли диктантни ўн бешта хато билан ёзадиган босилган синф муаллималари билан юзма-юз бўлганман. Гарчанд ўқилганини топишга уринганларидея ҳам ундайларни ишга қабул қилмаганман. Афсуски, улар қарандандир иш топиб жойлашганларига ишончим комил. Чунки қўлларидея сехри таёқна - диплом бол. Кейинчалик улардан биттаси нуфузли таълим ташкилотда бўлим бошлиғи даражасигача кўтарилганини кўриб, сира ажабланмадим. Сабаби, таълим тизимимизда кадрларни саралаш механизми деярли ишламайди. Уни коррупция деган бало комига тортиб кетганига анча бўлди. Ўқитувчининг машаққатли меҳнати кадрланмай кўйганини гапирмаса ҳам бўлади.

Айтайлик, ўтган асрнинг 50-йилларида собиқ иттифок таълим тизими сифати энг юксак чўққига кўтарилган эди. БМТнинг таълим масалалари билан шуғуланувчи қўмитаси хулосаларига кўра, шўро иттифоқи ўша даврда дунёда фахрли учинчи ўринни эгаллаган. Нега десангиз, партия ва ҳукумат ўша йиллари халқ таълими тизими фаолиятини ривожлантириш йўлида қаттиқ савъ-ҳаракат кўрсатган. Сабаби, Иккинчи жаҳон уруши бу борадаги нуқсон ва камчиликлари бешафқат очиб ташлаганди. Собиқ иттифок фан ва технологиялари Фарб мамлакатлари даражасидан жуда орақда қолиб кетганини маълум эди. СССР ўшанда Фарб мамлакатларининг қўмағига суянибгина фашизм устидан галаба қозонганини тарихий ҳақиқат. Шу боис қатагонга учраб, қамоққа ташланган олимлар - зиёлилар зудлик билан озод қилинди. Сергей Королёв ракета ва космос соҳасида, Игорь Курчатов ядро физикаси бўйича мамлакат мудофаасига доир тадқиқот ишларини бош-

лаб юборди. Халқ таълими чуқур ислоҳ қилиниб, ўқитувчиларга юқори иш ҳақи берилиб, улар жамятнинг эркатойига айланди.

Устозларимнинг хотирлашича, ҳали одамларнинг қорни нонга тўймаган ўша оғир йилларда муаллимнинг бир ойлик маошига бузоқли сигир сотиб олиш мумкин бўлган. Улар яна пулимиз ортиб қолиб, келгуси ойликкача тирикчилигимизга етган эди, деб эслайди. Ҳақиқатан ўша йилларда ҳаётда нима янгилик бўлса, биринчи навбатда ўқитувчиларнинг хонадонидея пайдо бўларди. Радио, телевизор, совутигич, мотоцикл, гилам каби қимматбаҳо буюмларни дастлаб ўқитувчилар харид қилганига гувоҳ бўлганмиз. Яна турли имтиёзлар, курорт-санаторий ва саёҳатларга йўлланмалар ҳам энг аввало ўқитувчиларга бериларди. Уй қуриш учун ер участкалари, арзон нархда қурилиш материалларини ҳам биринчи галда ўқитувчи оларди. Ҳар хил маҳаллий солиқлардан озод қилиниб, электр, газ ва ўтин-кўмир муаллимлар учун деярли бепул эди. Шу сабаб бўлса керак, улар касбига меҳр бериб, астойдил меҳнат қилардилар.

Ўша даврлар маҳалладошимиз Эсон ака Юнусовнинг танили адиб Асқад Мухтор қаламига мансуб "Дарёлар туташган жойда" қиссаси ҳақида ёзган ишонсини кўрганман. 11-синф ўқувчиси ёзган ушбу беш саҳифали иншога ўқитувчи Раҳим Саидмуродов етти саҳифали тақриз ёзиб, кейин баҳо қўйган. Мактаб ҳаёти билан боғлиқ кичкинагина бу манзара кишида ўша даврдаги таълим мазмуни ҳақида катта хулоса беради.

Қишлоғимиздаги Ломоносов номли 6-ўрта мактабда теварақ-атроф, бу ёғи Тожикистон чегарасигача узоқ-яқин қишлоқлардан келган ёшлар ижара уйларида туриб ўқирди. Чунки мактабимиз туманда ном қозонганди. Устоз муаллимлар ҳам бу ёғи Самарқанддан, бу ёғи Ургутдан қатнаб, сабоқ беришарди. Мактабнинг юк автомобилли, трактори, металл ва ёғочга ишлов берадиган станоклари, ҳатто каттагина иссиқхонаси ҳам мавжуд эди. Муассасамизнинг муъжазига электр станцияси бўлиб, атрофдаги хонадонларга ёруғлик улашарди.

Таълимга бўлган бундай эътибор ва ғам-хўрлик натижаси ўзини узоқ куттирмади. Собиқ шўро давлати таълим тизими изидан фан-техника ривожланиб, дунёдаги илғор ўринлардан бирига чиқди. Жаҳонда биринчи бўлиб коинотга йўл очди ва инсонни космосга учирди. Юрий Гагариннинг парвози Фарб дунёсининг кўзини мошдек очиб қўйди. Шундан сўнг америкаликлар ҳам зудлик билан таълим соҳасини чуқур ислоҳ қилишга киришди ва жаҳонга машур "Қаҳрабо водийси"ни барпо этдилар. Шу тўғайли кейинги ютуқ уларники бўлди. Америка астронавтлари 1968 йилда Ойга кўниб, АҚШ байроғини ўрнатди.

1965 йилда шўро давлатида ҳокимият тўнта-риши содир бўлди. Янги келган ҳукумат бинойдек ишлаб турган таълим тизимини салбий йўналишда ислоҳ қилди. 11 йиллик ўрта-полицтехника мактаблари унификация қилиниб, ягона шакл ва мазмундаги ўн йиллик ўрта мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларига айлантирилди. Натияжада мактабларда билим сифати сусайиб, касб-ҳунар билим юртлари қоқ ўқувчиларнинг ўзига хос жазо муассасасига айланиб қолди. Ўша мен айтган машур илғор мактаб ҳам кейинчалик бошқа ўрта-миёна мактаблардан деярли фарқ қилмайдиган оддий таълим муассасасига айланди.

Афсуски, бу хато кейинчалик муастакил мамлакатимизда ҳам такрорланди. Истиклол шарофати билан янгидан пайдо бўлган гимназиялар, лицейлар, коллежлар, иқтидорли болалар мактаблари тугатилиб, ҳаммаси бир шакл ва мазмундаги умумтаълим муассасаларига айлантирилди. Ҳатто Тўхтамурод Жумаевнинг машур "Қорақўл мактаби" ҳам хозир қанақадир ўқув марказига айлантирил-

ди, деб эшитдик. Гап Т.Жумаев ҳақида борар экан, биз марҳум машаъл педагогларимиз тошкентлик Оқилхон Шарофидинов, андижонлик Мамажон Абдурасулов, самарқандлик Ҳамид Мусаевларнинг порлоқ номларини алоҳида меҳр-муҳаббат билан эслаймиз. Тўхтамурод аканинг вафотидан кейин эслашга арзигулик яна бирор устоз қолдимиз!?

Шу ўринда мактабларимизда эркак ўқитувчиларнинг ўрни бошқача эканлиги яна бир марта ўзининг ёрқин исботини намойён этади. Хотин-қиз устозларимизни камситмаган ҳолда шуни айтиш лозимки, уларнинг нозик елкалари бундай машаққатли меҳнатга нисбатан заиф эканлиги сезилиб қолмоқда. Эркакларни мактабга қайтариш учун эса энди анчагина ишлар қилинаётган бўлса-да, натижалар кутилгандек эмаслиги аён бўлиб бормоқда.

Бугун тақлид қилаётганимиз - хорж таълим тизимининг яхши ёки ёмон томонлари ҳақида фикр билдириш истагидан йироқман. Аммо фикри оқимизча, фин, япон, турк, корейс, америкача таълим тажрибасини жорий қилишдан аввал педагог кадрларимиз салоҳиятини яхшилаш зарур. Қачонки ўқитувчиларнинг оғир касб сохибларига лойиқ иш ҳақи тўланмас экан, кўрилаётган бошқа барча чоралар бефойда. Шундай қилиниши керакки, педагогика билимда энг сарга йигит-қизлар ўқини оруз қилсин! Билишимча, ўқитувчи бўлишни хозир кўпчилик ёшларимиз оруз қилмаяпти. Ҳатто педагогика йўналишида ўқинаётган ҳам даромадли соҳаларга ўтиб кетаяпти. Бошқа соҳалардан тузук иш тополмаган кадрларгина мактабларга ноилождикдан бормоқда.

Бозорда арава сурадиган танишим бор. "Кунига юз-икки юз минг ишламасам, уйга қайтмайман, тоға", дейди. Албатта, унинг бу меҳнатини хурмат қиламан. Бироқ оддий ҳам-мол олий маълумотли педагогдан кўра кўпроқ пул топадиган жамятда зебилинган обрў-эътибори мени ташвишлантиради...

Халқор экспертларнинг фикрига кўра, ўқитувчининг маоши мамлакатдаги ўртача иш ҳақидан кам бўлса, ўша жойда таълим тизими издан чиқади. Энг юқори маошини 20 миллион сўм (гарчанд, бундан юқорироқ бўлса ҳам), энг камини 500 минг сўм деб олганимизда, ўртача микдор 10 миллион сўм атрофида тўхтайдди. Демак, президент ваъда қилган минг доллар мантқиқий адолатли маош эканлиги маълум бўлади. Масаланинг муаммоли жиҳати шундаки, айни ҳолатда давлатимиз хазинаси барча муаллимларга бу микдорда ойлик беришга қодир эмасдир.

Менимча, бунда бошқача йўл билан иш тутишга тўғри келади. Аввало, бу борада самарасиз ишлаётган бошқарув аппаратини кескин қисқартириш керак. Халқ таълими бошқармалари, бўлимлари тугатилиб, ўринда халқ таълими вазирилик нозоратидея илҳам ва ҳалол ишлайдиган кам контингентли таълим департаментлари ташкил этилиши лозим. Тизимда коррупцияни урчатаётган ҳар хил: мудир, бошлиқ, бўлим бошлиғи, эксперт, мониторингчи, назоратчи, тафтишчи, ўринбосар, услубчи, иқтисодчи, хисобчи, ёрдамчи сингари фойдасидан зарари кўпроқ тегадиган вазирадорлар сонини камайитириб, асосий эътиборни амалий педагогика билан шуғуланаётган ходимларга қаратиш керак. Айниқса, олий тоифали муаллимларнинг меҳнатини қадрлаб, Маҳмудхўжа Бехбудий иборалари билан айтганда, бошларини силлаш зарур. Ана шундай қилинганда, ҳам ўқитувчилар, ҳам мактаблар ўртасида соғлом рақобат муҳити пайдо бўлади.

Бу борада қилинадиган учинчи асосий иш: турли шаклдаги таълим муассасаларини кўпайтириш ва уларга муастакил фаолият юритишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб қўйиш керак. Майли, гимназиялар, лицейлар, коллежлар, ИДУМлар, хусусий мактаблар, Президент мактаблари, ижод мактаблари кўпаяверсин. Ҳар бир туманда вазир мактаблари, ҳар бир қишлоқда ҳоким мактаблари ташкил этилсин. Улар бир-бири билан рақобат қилсин. Хитойликлар айтганидек, минг хил гул очилиб, минг хил мактаб сабоқ берсин!

Худойберди КОМИЛОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, фахрий педагог.

► Турмуш чорраҳаларида

Асрорнинг эндигина кўзи илинган экан, онасининг овози эшитилди:

- Чарчадингми, болам? Ишинг кўпайиб, қийнаб қўйдими, айланай? - Саодат момо қоқ суюк қўллари билан Асрорнинг сочларини силади. - Сочларинг ҳам оқарибди...

- Эна, энажон! - Асрор онасининг қўлларини ўпиб, юзларига суртди.

- Эй, болам, ўзимнинг болажоним-а! Саодат момо қўллари тортди, ўғлига тикилди. Кўзларида юракни эзувчи мунг акс этиб турарди.

- Эна, нега хафасиз? - у ўзини онасининг бағрига отмоқчи бўлганди, Саодат момо ўғирлиб, қоронғуликка сингиб кетди...

- Эна...а...а! - Асрор ўз овозидан уйғониб кетди. Тераб кетган, хансираганча хонтахта устидея чой-накдан ютоқиб чой симирди.

Онасининг оламдан ўтганига анча бўлди. Иш билан бўлиб, бирор марта қабрини зиёрат қилмабди. Кейинги пайларда тез-тез тушига қиряпти. Кўнгли ғашлиниб, тун бўйи тўлғаниб чиқди.

Яшанба кун қишлоққа отланди. Қабристон ўзгариб кетибди. Ўт-ўланлардан тозаланган, йўлақлар со-

► Янги китоблар

Жомбой: кеча, бугун, эртага


"Жомбой" номи қаердан келиб чиққан? Тумanning ижтимоий-маданий, иқтисодий ҳаётида қандай ўзгаришлар рўй бермоқда? Унинг ўтмиши, бугуни ва келажиги ҳақида билишни истайсизми? Бу саволларга яқинда нашрдан чиққан "Жомбой: кеча, бугун, эртага" номли китоб-альбом орқали жавоб олишингиз мумкин.

Шу кунга қадар Жомбой тумани ҳақида яхлит тушунча берувчи хронологик асар яратилмаган эди. Шу маънода мазкур китобни Жомбойнинг биринчи солномаси, дейиш мумкин. Ундаги маълумотлар бир-бирига манба ёки муаллиф нуқтаи назарига таянмаган, мақолалардаги фикр ва қарашларда хилма-хиллик сақланиб қолган. Буни биргана туман номининг келиб чиқишига оид турли фараз ва тахминлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бир

муаллиф уни "Чимбой" сўзидан келиб чиққан деса, келтирилган бошқа ривоятда у шу ердаги қишлоққа асос солган Жиянбой номининг қисқартмаси, дейилади.

Китобдаги аксарият мақолалар бугун ёзилмаган. Демакки, улар йиллар чиғиригидан ўтиб, ўз долзарблигини сақлаб қолган. Яна бир эътиборли жиҳати, ундаги ҳар бир маълумот архив фотоҳужжатлар билан бойитилган. Бу ўз навбатида, унинг ўқишлигини ошириб, ўқувчида туман ҳақида кенгрок тасаввур ҳосил бўлишига хизмат қилади.

Китобда тумanning таниқли инсонлари, жумладан, Ўзбекистон Қарамони Аваз Эргашев, "Эл-юрт хурмати" ордени сохиби Барот Нодиров, шунингдек, ёш иқтидор сохиблари, умидли спортчилар ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар жамланган.



Ўқувчи унда туман ҳақидаги ўзига керакли маълумотларни осон топиши мумкин. Шу жиҳати билан китоб ўз солномасини яратиш устидея бош қотираётган бошқа туманлар учун ҳам намуна бўла олади.

Афғон уруши хотиралари



"Буни унутиш имконсиз. Қанчадан-қанча йигитлар кўз олдида ҳалок бўлди. Ҳозиргина сен билан гаплашган, бир дақиқа аввал ёнингда тирик турган дўстинг энди йўқ. Буни ҳам қилишга улгурмайсан ҳам, чунки навбатдаги қурбон сен бўлишинг мумкин".

Бу хотиралар уругтлик кекса муаллим Эгамберди Мирзаевнинг "Ажал билан юзма-юз" номли китобидан ўрин олган. Китобни ўқир экансиз, урушнинг нечоғлик муд-хис ҳодиса эканини чуқурроқ англайсиз.

Улуғ ёзувчи Эрнест Хемингуэй "Альвидо қурол" романини ёза туриб, эсдаликларида "Уруш ҳақида

ёзиш - энг қийин иш", деган эди. Энг бемаъни урушлардан бири бўлган афғон уруши ҳақида ёзиш эса икки хисса қийин эди. Шунга қарамай, ижодкор ўқитувчи бир умр қалбидея доғ бўлиб қолган, уни изтиробга солган хотираларни китоб қилишга жазм этди. Китобда урушнинг мудхис воқеликлари, беғуноқ хотин-қизлар ва норасида гўдакларнинг шум тақдирини ҳақида батафсил баён қилинган. Шунингдек, турмуш тарзи, урф-одатлари, эътиқод ва қадриятлари бизга яқин бўлган жафоқас афғон халқининг бу урушга бўлган муносабати, озодлик йўлидаги кураши акс этган воқеалар ўрин олган.

Сулаймон МАРДИЕВ.

"Бахт нашидаси"

Истеъодли шоир Жўшқин Довур қаламига мансуб "Бахт нашидаси" китобидея турли мавзуларда битилган бир туркум шеърлар ўрин олган. Ушбу битикларни мутолаа қилар экансиз, қалбингизда яхшилик ва эзуғулик хайри-хоҳлик тўйгулари жўш уради. Ижодкор ёш китобхонларнинг ҳам эътиборига тушган. Унинг "Қим тез топади?" номли янги топишмоқлар китоби ҳам ўз ўқувчиларини топди.

У ушбу топишмоқ шеърларига ҳам ҳикмат сингдиради. **Бўлгани каби бир калтакни икки томони, Ҳаётда бор одамнинг ҳам яхши-ёмони.** Ижодкорнинг бу каби иккиликлари ўқувчини мушоҳадага чорлайди.



"Аёл - ҳаётнинг олтин беағи"

Бугун аёллар турли соҳаларда фаолият юритиб, жамят ривожига муносиб хисса қўшмоқда. Улар орасида кўплай соҳаларнинг чинакам жонқуярлари бор. Уларни юртимизнинг ҳар бир гўшасида учратиш мумкин.

Журналист, ёзувчи Мавлуда Турсунова "Аёл - ҳаётнинг олтин беағи" номли китобидея мамлакатимизнинг турли ҳудудларида яшаб, меҳнат қилаётган ана шундай фидойи



аёллар хизматини эътироф этган. Китобда беморлар дардида даво топаётган шифокор, ёшлар тарбиясида меҳнат қилаётган ўқитувчилар, турли соҳаларда ўз ўрнини топган тадбиркор хотин-қизлар ҳақида сўз боради.

Шунингдек, ушбу жамланмада масъул вазибаларда фаолият юритаётган хотин-қизлар ҳақида маълумотлар берилган.

Анора НОРБОВЕВА.

MATBUOT UYI Zarafshon Самарқандский Вестник

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi Bosh muharrir: Farmon TOSHEV Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 16 366 nusxada chop etildi. Buyurtma 739. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2 Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56 BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61 MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi. «Noshir Lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Korxonа manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy. Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: A.SHERXOLOV. Navbatchi: T.SIDDIQOV. Sahifalovchi: A.AMINOV. Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X 9 772010 667009 Sotuvda kelishilgan holda